



0'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetası
facebook.com/uzbekistonovozi
instagram.com/uzbekiston_ovozi
www.uzbovozi.uz
info@uzbovozi.uz


№27

2024-yil
10-iyul, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqsa boshlagan

МУСТАЖКАМ

ҲАМКОРЛИКЛАР САРИ

Халқаро майдондаги геосиёсий вазият амалдаги дунё тартиботи устунлари дарз кетганини кўрсатмоқда. Бундай жараёнда жаҳон саҳнидаги ҳар бир актор янги ўрнатиладиган дунё тартиботида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиш учун кураш олиб бориши ҳаётий масала. Шу оламнинг ажралмас ва тенг ҳуқуқли аъзоси – Ўзбекистон олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат эзгу мақсадларга нақадар содик эканимизни кўрсатмоқда, бунга дунё гувоҳ бўлмоқда.




2

ҲОКИМ ВА КЕНГАШ РАЙСИ

ВАКОЛАТЛАРИ АЖРАТИЛМОҚДА

Ҳоким номзоди кўриб чиқилаётганда у ҳудудни ривожлантириш дастурини халқ депутатлари Кенгашига тақдим этиши тартиби белгиланмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кечабўлиб ўтган ялпи мажлисида "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий давлат

ҳокимиятининг конституциявий асослари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди.



ЗЛЕКТРОН РЕЦЕПТГА ЎТИШ АҲОЛИГА ҚАНДАЙ НАФ БЕРАДИ?

Пойтахтимизда 4 июль куни тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги бизнес вакиллари билан ўтказилган очиқ мулокотда соғлиқни сақлаш вазири в.б. Асилбек Худаяров 2024 йил охиригача Тошкент шаҳрида дори воситаларига электрон рецептлар жорий этиш режаларини маълум қилди.

5

✓ Очиқ мулокот

✓ Электорат манфаати

ИШЛИ БЎЛИШ

ҲАММАМИЗ УЧУН МУҲИМ

Салоҳияти ва лаёқатига яраша муқим иши, барқарор даромад манбай бор одамнинг ҳаётга қараши бошқача бўлади. Унинг бугунидан, эртасидан кўнгли тўйқ бўлади. Айниқса, оиласпарвар, болапарвар халқимиз учун ишли бўлиш нафақат рўзгорни бутлаш, фаровон ҳаёт кечириш, балки фарзандларини сёёқга қўйиш, улар келажаги учун сармоя киритиш омили ҳам ҳисобланади.

✓ Ҳалқаро ҳаёт




4

БУЮК БРИТАНИЯДА ЛЕЙБОРИСТЛАР ГАЛАБАСИ

Кутилмаганда шу йилнинг 22 май куни Консерватив ҳукумат раҳбари Риши Сунак парламент тарқатилишини эълон қилди. Оқибатда 4 июль куни Буюк Британияда муддатидан олдин парламент сайловлари бўлиб ўтиши белгиланди.

6



ЎЛИМГА САБАБ БЎЛИШ

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ЭМАС

✓ Жиноят ва жазо

"ВИЗА ТАЙЁРЛАБ БЕРАМАН..."

Жамиятимизда СОДДАФЕЪЛИК, ИШОНУВЧАНЛИК, ҚОЛАВЕРСА, ҚОНУН ТАЛАБЛАРИНИ БИЛМАСЛИК ОҚИБАТИДА ФИРИГАРЛАР ДОМИГА ТУШИБ ҚОЛАЁТТАН ЖАБРДИЙДАЛАР СОНИ ОЗ ЭМАС. БУНДАЙ ДЕЙИШИМИЗГА АСОС БОР. ЧУНКИ СҮНГГИ ЙИЛЛАРДАГИ ТАҲЛИЛЛАР ФУҶАРОЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА ФИРИГАРЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА КЎПАЙГАНИНИ КЎРСАТМОҚДА.

5

БУЮК БРИТАНИЯДА ЛЕЙБОРИСТЛАР ГАЛАБАСИ

Кутилмаганда шу йилнинг 22 май куни Консерватив ҳукумат раҳбари Риши Сунак парламент тарқатилишини эълон қилди. Оқибатда 4 июль куни Буюк Британияда муддатидан олдин парламент сайловлари бўлиб ўтиши белгиланди.



МУСТАХКАМ ҲАМКОРЛИКЛАР САРИ

ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ГЕОСИЁСИЙ ВАЗИЯТ АМАЛДАГИ ДҮНЁ ТАРТИБОТИ УСТУНЛАРИ
ДАРЗ КЕТГАНИНИ КҮРСАТМОҚДА. БУНДАЙ ЖАРАЁНДА ЖАҲОН САҲНИДАГИ ҲАР БИР АК-

ТОР ЯНГИ ЎРНАТИЛАДИГАН ДҮНЁ ТАРТИБОТИДА ЎЗ ЎРНИ ВА МАВҚЕИГА ЭГА БҮЛИШ УЧУН

КУРАШ ОЛИС БОРИШИ ҲАЁТИЙ МАСАЛА. ШУ ОЛАМНИНГ АЖРАЛМАС ВА ТЕНГ ҲУҚУКЛИ

АҶЗОСИ – ЎЗБЕКИСТОН ОЛИС БОРАЁТГАН ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТ ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА

НАҚАДАР СОДИҚ ЭКАНИМИЗНИ КҮРСАТМОҚДА, БУНГА ДҮНЁ ГУВОХ БҮЛМОҚДА.

ЎТГАН ҲАФТАДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИККИТА ЙИРИК ТАШКИЛОТНИНГ ЙИФИЛИ-

ШИДА ИШТИРОК ЭТДИ. БУЛАР, ОСТОНОДА ЎТГАН ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ВА

ОЗАРБАЙЖОННИНГ ШУША ШАҲРИДА ЎТГАН ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЙИФИ-

ЛИШИДИР.



рый электрон тијоратни ривожлантириш бўйича жаҳондаги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳада амалдаги ракамли савдо платформалари интеграциясини кўзда тутивчи ҳамкорлик дастурини тайёrlашини таклиф эти.

Учинчи. Саноат кооперацияси дастурларини қўллаб-куватлаш.

Ўзбекистон етакчиси энг аввало, инфратузилма, саноатнинг юкори технологияли тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзаро инвестицияларни рафбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиши таклиф этиб, бунда ушбу лойиҳаларни молиявий қўллаб-куватлаш механизмларини пухта ўйлаб кўриш, ШХТ Жамғармаси ва Тараққиёт банкини ташкил этиши масаласини кўриб чиқиша қайтиш мухимлигини айтиб ўтди.

Тўртинчи. "Шарқ-Фарб" ва "Шимол-Жануб" йўналишлари бўйича **инклюзив транспорт тизимларини шакллантириш** мамлакатларимиз иктисадий салоҳиятини самарали ривожлантириш имконини бериши қайд этиди.

Президентимиз **транспорт йўлаклари кўп варианти бўлиши** – бу бутун минтақа барқарор ривожланишининг энг мухим шарти эканини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Логистика жараёнларини рақамлаштириш режасини ишлаб чиқиши, шу жумладан, мамлакатларимиз чегаралари орқали ўтадиган махсулотлар хакидаги мъалумотларнинг электрон алмашувини ташкил этишини таклиф қилди.

Бешинчи. ШХТ маконида **замонавий ва ишончли энергетика** инфратузилмаларини кенгайтириш масаласиги ургу бериди.

Ўзбекистонда "яшил" энергетикани жадал ривожлантириш бўйича катта дастур қабул килингани, йилига иккى гигаватт кувватни кўёш ва шамол электр станцияларининг ишга туширилаётгани, саноат даражасида "яшил" водород ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш бошлангани айтилди.

Ўзбекистонда "яшил" энергетикани жадал ривожлантириш бўйича катта дастур қабул килингани, йилига иккى гигаватт кувватни кўёш ва шамол электр станцияларининг ишга туширилаётгани, саноат даражасида "яшил" водород ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш бошлангани айтилди.

Давлатимиз раҳбарҳо **қайта тикланадиган энергетикага инвестиция ва технологияларни жалб этишини рафбатлантириш бўйича ҳамкорликнинг комплекс режасини ишлаб чиқиши** таклиф этиди.

Олтинчи. Жадаллаштирилган **рақамли транспортировация**.

Рақамли иктисадиётга ўтиш, "сунъий интеллект"ни, илгор IT қарорлари жорий этиш мамлакатларимиз рақобатбардошлигига ҳал қулиувчи аҳамиятга эгадир. Шу борода билимлар, таъриба ва энг яхши амалиётлар алмашуви, IT паркларнинг тизимли ҳамкорлигини ривожлантириш максадида "ШХТ келажак технологиялари" дастурини ишлаб чиқиши тарафдоримиз, деди Президентимиз.

Еттинчи. Ижтимоий ривожланиш ва химоя соҳасида ШХТ мамлакатлари ҳамкорлиги бўйича "йўл ҳаритаси"ни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқиши таклиф этиди.

Шунчомик комилки, аҳоли хаёт даражасини юксалтириш ва худудларни, биринчи навбатда, қишлоқ жойларни ривожлантириш бўйича аник вазифаларни амалга ошириш 2030 йилгача мўлжалланган энг мухим мақсадларга эришиш йўлида умумий ҳисса бўлади, деб қўшимча қилди давлатимиз раҳбари.

Сўнгги **сақкизинчи** масалада эса ишлаб чиқарилаётган махсулотлар ва уларни етказиб бериси имкониятлари номма-ном акс этирилган мамлакатларимизнинг агросаноат соҳасидаги салоҳияти ҳакидаги мъалумотларни бирлаштирадиган "ШХТ озиқ-овқат ҳавфисизлиги атласи" кўшма электрон платформасини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқлиги кайд этилди.

Президентимиз нутқи якунида ШХТ янада ривожлантириш жараёнлари тарафдори эканимизни ва Ташкилотнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳакидаги таклифи қабул қилишга тайёрлигимизни таъкидлади.

Бундан ташкири, давлатимиз раҳбари трансчега-



ТУРКИЙ ДҮНЁ ЕТАКЧИЛАРИ ШУШАДА

Туркӣ давлатлар ташкилотининг бу галги йигилиши Озарбайжоннинг сўлим варзиши шаҳри Шушада, "Транспорт, ўзаро боғлиқлик ва иқлим ҳарорати орқали барқарор келажакни бунёд этиш" шиори остида ўтди.

Туркӣ дунё етакчиларининг айнан Шушада йиғилиши рамзий маънога эга. Чунки, ушбу шаҳар узоқ давом этган курашлардан сўнг яна Озарбайжон тасаруфига ўтган Қорабонгнинг ажралмас қисми ҳисобланishi билан бирга мамлакатнинг тарихий ва маданий марказларидан ҳам саналади.

Жорий йил Шуша шаҳри Ислом оламининг маданий маркази, деб ёълон килинганидан ҳам унинг нафақат туркӣ дунё, балки Ислом оламида ўз ўрнiga егалигини англатиб туриди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Озарбайжон давлатининг асосчиси, Ҳайдар Алиевнинг "Шушасиз – Қорабоғ, Қорабоғсиз Озарбайжон бўлмайди", деган фикрини келтириб ўтди.

Биз бундан беш йил мукаддам айнан Озарбайжон заминида Туркӣ давлатлар ташкилотига аъзо бўйли кирган эдик. Ўтган қиска даврда 30 дан ортиқ мухим йўналишларда ўзаро манбаатли ва кенг қамровли ҳамкорлики йўлга қўйдик, деди Президентимиз.

Ўзбекистон етакчиси йиғилиши шитирокчиларининг эътиборини кўйидига устувор масалаларга қаратди.

Биринчи масала.

САВДО ВА ТРАНСПОРТ ЙУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўтган йил якунларига кўра, ташкилот доирасидаги ўзаро товар айланмаси ҳажми 27 фюзозга ошган.

Президентимиз "Ягона ойна" тизими йўлга қўйилишидан, божхона-чегара ўтказиш пункктарининг узлуксиз ишлаши таъминланишидан манбаатдорлигимизни таъкидлади.

Қолаверса, Ташкилот доирасида Темир йўл маъмуриятлари кенгашини тузиш ва унинг дирекциясини Тошкент шаҳрида жойлаштириш ҳақидаги таклифимиз маъқулланишига ишонишни айтган.

Иккинчи масала.

ИКЛIM ҮЗГАРИШЛАРИГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИШ

Давлатимиз раҳбари мавжуд муммалорни тизимли ҳал этиш учун варзишлар даражасида Туркӣ экология кенгашини тузиш ва мазкур тузилма қароргоҳи экологик оғатдан энг кўп зарар кўрган ҳудуд – Оролбўйидаги йирик шаҳар Нукусда жойлаштиришни таъкидилган.

Учинчи масала.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА

Ўзбекистонда 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия кувватларини кескин ошириш ва энергетика балансида уларнинг улушкини 40 фюзозга етказиш мақсади килинган. Ҳамкорликининг мақсадида "Яшил энергетика сари туркӣ ҳаракат" концепциясини қабул қилиш таъкифи илгари сурʼилган.

Замонавий "билимлар иктисадиёт"ни куриш, креатив иктисадиётни ривожлантириш учун рақамли технологиялар, блок-чейн, булутли, квант ҳисоблаш технологиялари, робототехника, "тўртичи саноат" кадрларини тайёрлаш соҳаларида ҳамкорликининг мағнаборлигимизни баънинг учун Туркӣ давлатлар ташкилотининг "Инсон капиталини ривожлантириш иммий-тадқиқот марказини ташкил этиш" ташаббуси билдирилган.

Ўзбекистон етакчиси мустакил ва озод Фалястин давлатининг ташкил этилиши Яқин Шарқда стратегик барқарорлик ва тинчлики таъминланишига ўтишни ўз ўрнiga аносис шарти эканини таъкидлади.

Ш.Мирзиёев нутқи давомида кўп миллиони туркӣ ҳалқлар истиқомат килаётган Афғонистондаги вазият ҳалқаро ҳамжамият эътибиоридан четда қолиб кетаётганини афсус билан қайд этиб, ўзбекистон афрон ҳалқига зарур ёрдам кўрсатишни бундан бўён ҳам давом эттиришини маълум қилди.

Иккала саммитда ҳам янграган таъкидларга умумманбаатларни ўзида акс эттиримоқда. Ўзбекистон олиб бораётган ташкил манбаатлишига ҳамма учун очик ва музокараларга тайёрлигимизни, ҳалқаро майдонда содир бўлаётган ҳар бир жараёнга ўз фикримиз, позициямиз борлигини яққол кўрсатмоқда. Айнан шу жиҳат ўзбекистоннинг янги дунё тартиботидаги муносиб ўринга эта бўлишини кафолатлашига шубҳа йўй.

Расмий хабарлар асосида
Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлadi.

ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ



Испаниянинг Сан-Пабло универсiteti профессори Антонио Алонсо "Дунё" АА учун интервьюсида
Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида бўлиб ўтган Туркӣ давлатлар ташкилотининг (ТДТ) норасмий саммитидаги иштирокчи ҳақида ўз фикрларини билдириди:

– Ўзбекистон Президентининг Шуша шаҳрида бўлиб ўтган Туркӣ давлатлар ташкилотини норасмий саммитидаги фойдаларни алоҳида таъкидлайди. Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида туркӣ давлатлар ташкилотидаги иштирокини алоҳида таъкидлайди, бу умумий барқарор келажак сари мухим кадам эканини таъкидлайди.

Норасмий саммит чоғида Ўзбекистон раҳбари транспорт алоҳида эктибор қаратди ва Транскаспий ҳалқаро транспорт йўлагини алоҳида таъкидлайди.

Жозибадор тарифлар ва бизнес учун "Ягона ойна" тизимини жорий этиши таъкифи, шубҳасиз, юқ ташиши ҳамжини ошириш учун кулат шарт-шароитлар яратишга хизмат қиласи.

Айнанча, Ўзбекистонда Темир йўл маъмуриятлари кенгашини ва Инсон капиталини ривожлантириш иммий-тадқиқот марказини ташкил этиши ташаббуслари инновациялар ва "билимлар иктисадиёт"ни ривожлантириш истагидан далолат беради.

Нукусда иким ўзгаришига қарши курашда биргаликдаги саъӣ-ҳаракатларни бирлаштириш қаратилган Туркӣ экология кенгашни ташкил этиши таъкифи мухим ташаббус бўлди. Қайта тикланадиган энергия мажмусидаги улушини 2030 йилга бориб 40 фюзозга оширишга алоҳида эктибор қаратилаётгани ўзбекистоннинг янги кун тартиби ва экологик барқарор ривожланшига интилишидан далолат беради.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан билдириётган таъкиф ва ташабbusлар мажмуми ўзаро ҳамкорликин чукурлаштириш ва бутун туркӣ дунё равнақини таъминлашга салмоқли хисса қўшишига ишончим комил.

Ли Юнхуэй, Хитой Ижтимоий Фанлар академияси Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти катта иммий ходими:

— Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлики ташкилоти фаолиятида аньланави тарзда фаол, конструктив роль ўйнайди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ШХТнинг



Ўзбекистон Президенти Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорликни юқори баҳолади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 июль куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Жильбер Унгбони қабул қилди.

БМТнинг ушбу нуфузли институти билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

ХМТ бош директори самимий қабул учун миннандорлик билдириб, Ўзбекистоннинг меҳнаткашлар хукуқларини таъминлаш, иш ўринларини яратиш ва ҳалқаро конвенцияларни имплементация килиш борасидаги ютуқларига юқори баҳо берди.

Шу муносабат билан ўз ташрифини Ўзбекистон раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган самарали ислоҳотларни кўллаб-кувватлаш информаси деб атади.

ХМТ мамлакатимиз тажрибасини ҳалқаро миқёсда ўрганиш ва қўллаш учун муввафқиятли модель сифатида кўраётгани таъкидланди. Жойи 9 ийлнинг ионъ ойида Ўзбекистон ташкилотининг Маъмурӣ кенгашига сайданлини бунунг эътирофи бўлди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва



ХМТ ўртасидаги ҳамкорлик сифат жихатидан янги босқичга кўтарилиди. Ташкилот кўмугида Ўзбекистонда меҳнат соҳасида 40 дан ортиқ норматив хужжат қабул килинди, 22 та ҳалқаро конвенция ратификацияланди.

Ижтимоий адолат тамоилларини илгари сурish бўйича, шу жумладан, "Ижтимоий адолат глобал коалицияси" доираисида кўшма чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашувда сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шерлиқлик муносабатларида юқсан даражага эришилганни катта маънуният билан қайд этилди.

ХМТ Президентининг жорий йил январь ойида Хитойга давлат ташрифи чоғидаги эришилган келишувлар изчил амалга оширилоқда.

Остона шаҳридан ШХТ самими доираисида ўтган олий дарожадаги самарали музокаралар натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қирралари ҳамкорликни кенгайтишига янги суръат бағишилашига ишонч билдирилди.

[president.uz](#)

Ўзбекистон Президенти Хитой билан парламентлараро алоқалар жадал ривожланиб бораётганини алоҳида маънуният билан қайд этди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июль куни Бутунхитой ҳалқ вакиллари кенгаши Доимий кўмитаси Раиси Чжао Лэцзи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Хитой парламенти раҳбари Ўзбекистон етакчисига Хитой Ҳалқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шерлиқлик муносабатларида юқсан даражага эришилганни катта маънуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил январь ойида Хитойга давлат ташрифи чоғидаги эришилган келишувлар изчил амалга оширилоқда.

Остона шаҳридан ШХТ самими доираисида ўтган олий дарожадаги самарали музокаралар натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қирралари ҳамкорликни кенгайтишига янги суръат бағишилашига ишонч билдирилди.

Хитой Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни, аниқса, камбағалларни қисқартириш дастурини, шунингдек, инфратузилмани ривожлантириш, саноат кооперацияси, кишлөк хўжалиги ва "яшил" энергетика соҳаларида стратегик ҳамкорлик дастурларини қабул қилиш режаларини қатъий қўллаб-куватлаётгани тасдиқланди.

"Хитой - Киргизистон - Ўзбекистон" темир йўлини куриш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-куватлаётгани тасдиқланди.

Жадал ҳудудлараро алоқаларга юқори баҳо берилди. Келгуси йилда иккинчи Ҳудудлар форуми ўтказилади.

Ўзбекистонда Хитой олий ўқув кортларининг филиалларини очиши, профессионал таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, Конфуций институти фолиятини қўллаб-куватлаш масалалари кўриб чиқилди. Келгуси йилда иккинчи Таълим форумини ўтказиш режалаштирилган.



Маданият ва туризм соҳаларидаги алмашинув юзасидан фикр алмасиди.

Парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш, парламент аъзолари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш ва амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-куватлаш бўйича қонун ижодкорлиги тажрибасини ўрганиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Иккى мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни чукурлаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"ни қабул қилиш назарда тутилгани қайд этилди.

[president.uz](#)

ҲОКИМ ВА КЕНГАШ РАИСИ ВАКОЛАТЛАРИ АЖРАТИЛМОҚДА

ҲОКИМ НОМЗОДИ КЎРИБ ЧИҚИЛАЁТГАНДА У ҲУДУДНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИ ҲАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИГА ТАҚДИМ ЭТИШИ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНМОҚДА.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИННИГ КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН ЯЛПИ МАЖЛИСИДА "ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТҮҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА МОҶДА.

ЛОЙИҲАГА КЎРА, "МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТҮҒРИСИДА"ГИ ҲАМДА БОШҚА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ҚАТОР ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА. ХУСУСАН, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА ДЕПУТАТЛАР ОРАСИДАН САЙЛАНАДИГАН РАИС БОШЧИЛИК ҚИЛИШИ, ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ ВА У МУДДАТИДАН ОЛДИН ЛАВОЗИМДАН ОЗОД ҚИЛИНИШИ МУМКИНЛИГИ БЕЛГИЛАНМОҚДА.

ЎЗБЕКИСТОН ҲДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ЛОЙИҲАДАГИ АЙРИМ МЕЬЁРЛАР ЮЗАСИДАН ЎЗ ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛРИНИ БИЛDIRDI.



**Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон
ҲДП фракцияси аъзоли:**

— Қонун лойиҳасида ҳалқ депутатлари Кенгашни раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилётганда Кенгаш доимий комиссия раисларидан бири сессияга раислик қиласди, деб ёзилган. Кейинги моддаларда бу мөъёрга қарама-қарши жиҳатлар туриди.

18-моддада эса ҳалқ депутатлари Кенгашни сессияларини чакириш ва ўтказиш, сессия муҳокамасига масалалар киритиш ва уларни кўриб чиқиш, ҳалқ депутатлари Кенгаш органларини ташкил этиш ва сайлаш, уларнинг фАОлиятга доир ҳисоботларни тинглаш, Кенгаш сўровларини, карор лойиҳаларини кўриб чиқиш, овоз бериш, қарорларни эълон қилиш, сессияга таклиф этиладиган шахслар сонини аниқлаш тартиби, шунингдек, депутатларнинг масъулияти ва сессия ишини ташкил этишга доир бошқа масалалар ҳалқ депутатлари Кенгашининг иш тартибига мувофиқ белгиланади, деб ёзилган. Аммо Кенгаш текшируви киритилмаган. Бу ҳам асосий

концептуал масалалардан бири, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига янги ваколатлар бериляпти. Мисол учун, ях иили Олий Мажлис Инсон хукуqlari бўйича вакили (омбудсманинг) мінтақавий вакилининг инсон хукуqlari, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир фАОлияти тўғрисидаги аҳборотни ўшиш назарда тутилмоқда. Лекин Болалар омбудсман тўғрисидаги қонун қабул қилинди ва уларнинг мінтақавий вакиллари бор. Улар ҳам маҳаллий Кенгашларга аҳборот бериши керак. Ушбу жиҳат ҳам эътибордан четда қолган. ИИВнинг ҳудудий бошқармалари ҳар чорақда хиосбот бериши Президент фармонида кўрсатиб ўтилган бўлса-да, қонун лойиҳасида бу муддат ҳар б ойда шаклида ўзғартирилган. Умуман олганда, концептуал жиҳатдан яна бир бор кўриб чиқилиши керак бўлган жиҳатлар оз эмас.

Ялпи мажлисда депутатлар яна қатор мөъёrlар юзасидан ўз фикрларини билдириди. Таклиф ҳамда муносабатлар муҳокама килинди. Умуман, қонун лойиҳасидан ўрин олган мөъёrlar жойларда ҳокимиятлар бўлинишини тўлақонли рўёбга

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кечабўлиб ўтган ялпи мажлисида "Янги таҳrirдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимиётининг Конституциявий асослари тақомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуну лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди.

чиқилишига келишиб олindi. Умумий ўрта таълим ташкилотларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳолати тўғрисидаги парламент сўрови кўриб чиқилди. Гап шундаки, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан мазкур соҳаларда олиб борилаётган ишлар ҳамда уларнинг натижадорлиги ўстидан таъсирчан парламент назорати ўрнатилиб, соҳаларни тартиба солиша доир қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиш ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрганилиб келимоқда.

Ўрганишлар якунлари, шунингдек, фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили ечимини кутаётган долзарб масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, бугунги кунда республикадаги умумтаълим мактабларниң 10165 та тасида тиббиёт хоналари мавжуд эмас, мавжуд тиббиёт хоналари ҳам зарур жиҳозлар билан етарлича таъминланмаган.

Шунингдек, республикадаги умумтаълим мактабларида фАОлият кўрсатаётган педиатр шифокорлар сони 6357 нафари ташкил этиб, улардан 890 нафари (14,0 фоиз) доимий ишлайди, 5467 нафари (86,0 фоиз) биритирилган, ўрта

тиббиёт ходимлари сони эса 10176 нафар, улардан 7799 нафари (76,6 фоиз) доимий ишлайди, 2377 нафари (23,4 фоиз) биритирилган.

2023 йилда ўтказилган тиббий кўриклар натижалари таҳлилига кўра, мактабларда таҳсил олаётган 5 954 321 нафар боладан 5 797 691 нафари (97,4 фоиз) тиббий кўрикдан ўтказилиб, 1 615 695 нафар (27,9 фоиз) болаларда турли касалликлар аниқланган.

Маълумотлардан келиб чиқиб, мактабгача ва мактаб таълими вазири X. Умаровага парламент сўрови юборилган эди. Фракция аъзолари вазирилик жавобини эшитди ва ўз муносабатини билдириди. Тегишли тартибида қарор қабул қилинди.

Палата мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси фракциясининг тақлифи билан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б. Мусаевнинг "2024 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастурининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги аҳборотини эшитиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.**

ЎЛИМга сабаб бўлиш ЭХТИЁТСИЗЛИК ЭМАС

15 апрель куни Галлаорол туманида катта йўл бўйлаб хотиржам мактабга кетаётган 14 ва 12 ёшли уч ўсмирни катта тезлиқда келаётган "Ласетти" уриб юборди, болалар ҳодиса жойида ҳалок бўлди.

4 июнь куни Нуробод тумани Мехнаткаш маҳалласи худудидан ўтубчи "Самарқанд-Гузор" автомобиль йўлининг 35-километрида 25 ёшли хайдовчи "КамАЗ" юк автомашинасида пиёдалар йўлакчасида ҳаракатлангаётган ёш онани ва унинг 2 нафар боласини уриб юборди, ҳали она тути оғиздан кетмаган гўдаклар гидрияклар остида қолиб, нобуд бўлишиди.

1 июль куни Хатирчи туманида 2 та BYD кроссовери ўзаро пойга ўйнаб, аҳоли яшаш пунктида 142 км/соат тезлиқда ҳаракатланниб, пиёдалар йўлагидаги 8 ёшли қизчани босиб ўтиб кетди. Қизча вафот этди.

3 июль куни Самарқанд туманида "Нексия 2" автомашинаси йўлни кесиб ўтиётган 7 ёшли болакайни уриб, учирашиб юборди.

Эрталаб ўзи ўйғонган, чойини ичиб, қиқирлаб, кулиб ўйидан чиқкан, не бир ширин орзулар оламида учиб юрган соғлом фарзандни кутимаганда йўқотишдан мушкулроқ ғам бўлмаса керак бу оламда. Оналар ўзини қандай кечиради? Оталарнинг ич-ети куйиб кул бўлмайдими?..

Тонгда оstonадан хўшлости, автомашинасида чиқиб кетган дадасининг аварияда бўлакларга бўлинган танасини

курсатишмагани боис, митти қалбидаги умидни сўндирамай, энг азиз инсони эшикдан кириб келишини ойлаб, йиллаб кутаётган қанча болажонлар бор.

Рақамларга эътибор қилинг. Мамлакатимизда 2023 йилда йўл ҳаракати билан боғлиқ жами 16 миллиондан ортиқ қоидабузарлик қайд этилган. Содир этилган 9 минг 839 та ЙТҲ оқибатида 9 минг 209 нафар фуқаро жароҳатланган ва 2 минг 282 нафар киши ҳалок бўлган. Болалар билан боғлиқ 1 минг 794 та ЙТҲ туфайли 1 минг 568 нафар ўғил-қиз жароҳатланган, 263 нафар бола эса ҳаётдан кўз юмган.

Жорий йилнинг беш ойида вояга етмаганлар билан боғлиқ 359 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган ва 65 нафар бола нобуд бўлган, 294 нафар бола турли даражада тан жароҳатлари олган. Улар орасида ногиронлик аравачасига михланиб қолганлар бор.

Беш ой ичидаги мамлакат бўйича қайд этилган умумий йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ҳар 100 минг аҳолига 7,2 тани ташкил қилгани ҳолда ушбу салбий кўрсаткич Тошкент шахрида 12,8 та, Тошкент вилоятида 12,2 та, Наманган вилоятида 9,1 та ва Фарғона вилоятида 8,4 тага етган.

Ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг салмоғи Самарқанд, Тошкент (80 тадан), Фарғона (69 та), Қашқадарё ва Сурхондарё (53 тадан) вилоятларида юқорилигича қолмоқда.

ЖАЗО

2024 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда жисмоний шахсларга тегишли бўлган енгил автомобильлар сони 3,8 миллион данни ташкил этган.

Яъни, ҳар минг кишига 103 тадан автомобил тўғри келган.

Хозирда кўплаб ривожланган давлатларда пиёдалар зоналари, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат ҳойларини ташкил этиш ҳисобидан автойўлларни қисқартиши тенденцияси кузатилаётган бир пайтда бизда, айниқса, шаҳар жойларда пиёдалар кўча-кўйда бемалол юра олмай қолган.

Бугун луғатимизга "автотерорист" деган сўз қаҷон ва қайси манба томонидан кириб келди, аниқ айтолмаймиз-у, лекин кунда-шундай йўлларимизда содир бўлаётган баҳтиси ҳодисалар, даҳшатли фожеалар, жамиятимиздаги айrim фаоллар табъирича, инсониятга қарши жиноятлар йўл қоидасини менсимай, умларни завол қилаётган ҳайдовчиларнинг белига мина боғлаган ҳудкушдан асло кам эмаслигига ишора қиласди.

Конунчилигимизда бундай қонун-бузарликларга нисбатан жазо чоралари белгиланган. Йўл қоидаларини бепсанძлик билан мунтазам бузадиган ҳайдовчиларга нисбатан кескинроқ жазо турларини амалиётга киритиш, ўлима габаб бўлаётган ҳолатларда эса муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш жазоларини қайта кўриб чиқиш заруратини тобора чуқур ҳис қилмоқдамиз.

ракати қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлашга ҷақирамиз", дея ҳаҷон афкор оммаси дикқатини ушбу муммомга қаратди.

Ҳисоб-китоблар 2030 йилга бориб сайдерамиздан глобал автомобиль парки икки баравар кўпайишидан далолат бермоқда. Шундай бир шароитда кўплаб давлатларда йўл инфратузилимаси хавфсизлиги жиддий бўшилкляр мавжуд. Фақатгина БМТга аъзо давлатларнинг 51 тасида ёки тўртдан бирда барча йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан хавфсизликни тартибиға солувчи қонунлар амалиётга киритилган.

ХАВФСИЗ ЙЎЛЛАР КЕРАК

Шу йилнинг май ойида БМТ Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлиги олиб борган тадқиқот натижаларини ёълон қилди. Унга кўра, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ иктисодий ҳаражатлар ҳар йили Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 2,8 фоизини ташкил этмоқда. Бу мамлакат тараққиёти ва соглини сақлаш учун жиддий муммодиги.

Келтирилишича, айнан ЙТҲ мамлакатда ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолаётгани милий йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини такомиллаштириша зарурат борлигини кўрсатади. Бинобарин, ўлим ва жароҳатларнинг тахминан 50 фоизи пиёдалар хиссасига тўғри келмоқда. Йўллардаги ўлимларнинг 30 фоизи ҳайдовчиларнинг тезлиқни ошириши оқибатида юз бермоқда.

ЖССТ Буш директори, доктор Тедрос Адханом Гебреисесу бу вазиятга баҳо берар экан, "Йўлларимизда кўп сонли ҳаёт йўқотишларининг олдини олиш мумкин. Биз барча мамлакатларни транспорт тизимлари марказига автомобилларни эмас, балки инсонларни кўйишга, болалар, пиёдалар, велосипед ва мотоцикл ҳайдовчилар, ногиронлар каби ҳимоясиз йўл ха-

ЎзХДП ФАОЛЛАРИДА ТАКЛИФ БОР

**Аброр ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
бошқарма бошлиғи:**

– Яқин инсонларимиз, фарзандларимиз йўлга чикса, хавотирандаган бўлғанмиз, соғ-омон келсин, деб. Бу жуда ёмон сигнал. Жамият ҳаётининг баркарорлигига, жамоатчиликка ёмон таъсир қилаётган жиддий муаммо.

Қонунчилигимизга биноан, транспорт воситасида одам уриб юборши Жиноят кодексининг 266-моддасига кўра жавобгарники келтириб чиқаради. ЖКнинг айни шу моддаси эса эхтиётсизлик орқасидан содир этиладиган жиноятлар туркумига киради.

Давлат ва жамият ҳаётида ижтимоӣ баркарорлик тарафдори бўлган Ҳалқ демократик партиясининг сайловиди дастурида йўл-транспорт қоидаларини бузиб, бир ёки бир неча инсонлар умрига зомин бўлиш ҳолатларини қасдан одам ўлдиришга тенглаштириши, жазо чораларни кескинлаштириш масаласини мухокамага қўйиш вақти келди, деб исоблаймиз.

Хар бир ҳайдовчи аҳоли яшаш пунктидан ўтган йўлларда, пиёдалар йўлакчисига яқинлашашётганда тезлиқни ошириши, йўл қоидаларини бузишина ҳаёлига келтиришдан хам кўркини керак. Аҳоли зич яшайдиган, пиёдалар фаол ҳаракатланидиган жода тезлиқни ҳаддан ташқари ошириш инсоннинг, айниқса, болаларнинг ҳаётига қасд қилиш билан баробардир.

**Сайдкамол ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон ХДП фаоли:**

– Йўлларимизда содир бўлган болалар ўлими билан боғлиқ охири мудхиҳ воқеалар асосан пиёдалар ўтиш йўлаклари тартибиға солиниши, хеч бўлмаса тумгали светофорлар ўрнатилиши қанчалик мухимлигини кўрсатди.


Хатиридаги ЙТҲ сабаблари ўрганилганида қизиқ бир фактга дуч келинган. 8 ёшли қизалоқ ҳалок бўлган пиёдалар ўтиш жойига Хатирчи туман йўллардан фойдаланиш давлат мусасаси томонидан тумгали светофор курилмаси ўрнатилимаган. Бунга маблағ ажратилмаган. Ушбу муассаса директори номига Навоий вилояти ЙХХБ томонидан жорий йилда бир эмас, иккى марта тумгали светофор ўрнатиш юзасидан тақдимнома киритилган айтилмоқда.

Жарималардан тушаётган маблағнинг қатъий белгиланган, ярмидан оз бўлмаган қисми пиёдалар йўлакларини тартибиға солиши йўналитириши мажбурий бўлиши зарур. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати пиёдаларнинг эхтиёжи тишишни кийнайди, эхтимол бу вазифани ташкилотчи, ҳаракатда машинадами, пиёдами – ҳамма иштирокчиларнинг хуқуқлари тенг эканини табиий қабул қиладиган бошча вазирлигиз зиммасига олиши тўғрироқ бўлар. Балки, бу бордаги жавобгарлик ва ваколатларни Адлия вазирлигига ўтказиш вақти келгандир. Ёки Буюк Британиядаги каби Транспорт вазирлиги бу хизматни ўз зиммасига олар. Соҳа тамомила янги стратегияга муҳтож.

**Фарида МАҲКАМОВА,
Ўзбекистон овози" шарҳловчиси.**

ЭЛЕКТРОН РЕЦЕПТга ЎТИШ АҲОЛИГА ҚАНДАЙ НАФ БЕРАДИ?

ПОЙТАХТИМИЗДА 4 ИЮЛЬ КУНИ ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДАГИ БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ОЧИҚ МУЛОҚОТДА СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ В.Б. АСИЛБЕК ХУДАЯРОВ 2024 ЙИЛ ОХИРИГАЧА ТОШКЕНД ШАҲРИДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИГА ЭЛЕКТРОН РЕЦЕПТЛАР ЖОРИЙ ЭТИШ РЕЖАЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ.



Таъкидланганидек, ушбу тизим соҳада ракобат мухитини яратиб, шифокорларнинг «жуда кўп кераксиз дори-дармонлар»ни ёзиб беришининг, шунингдек, контрабанда маҳсулотлари сотилишининг олдини олади.

Давлат раҳбарининг аҳолини хавфсиз дори-воситалари билан таъминлаш максадида электрон рецептларга ўтиш бўйича берган кўрсатмаси доирасида килинаётган амалий ишлар каторида Тошкентда давлат тиббий суғуртасини жорий этиш бўйича тажриба ўтказилгани хам айтиб ўтила.

– Ривохланган мамлакатлардагидек биз хам электрон рецепттура тизимига ўтишимиз

рецепт асосида дори воситаларини (кафолатланган пакетга киритилган) бепул олиш имконини беради. Дори воситалари давлат тиббий суғуртасида жамғармаси билан шартнома тузадиган дорихоналар томонидан чиқарилади.

Вазирнинг таъкидлашича, электрон рецептлар туфайли тадбиркорлар ўртасида рақобат пайдо бўлади. Қолаверса, ушбу тизим «жуда кўп асосиз» ва кераксиз дори-дармонлар» рецептлашга нуқта қўяди.

– Бир вақтнинг ўзида бир нечта дори воситалари ёки тиббий муолажаларни буюриш туфайли аҳолига жуда нокерак дори-дармонлар ёзиб берилапти. Электрон рецепттура бўлса, платформада ўш нарсалар бўлади: масалан, кон босими кўтарилганда қайси стандарт бўйича қайси дорилар ишлатилиши керак ва

ҳоказо. Ундан ортиқча бўлса, врач ҳам кўлга тушади, дорихоначи ҳам кўлга тушади, – деди вазир.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда қонуни журахадан ўтишдан дори воситалари умумий маълумотлар базаси шакллантирилган сабабли контрабанда фармацевтика маҳсулотлари сотилиши ҳам барҳам топади.

– Бу тизимга ўтиш оғир бўлади кўччиликка, лекин биз бу йўлдан кайтмаймиз, – деда сўзини якунлади соглини сақлаш вазири в.б. Асилбек Худаяров.

Ий охирига қадар «Электрон поликлиника» ва «Электрон стационар» тизимларини ҳам жорий этиш режалаштирилган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

YANGI QONUN LOYIHASI

ИНСОН РУХИЯТИГА ТАХДИД СОЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

**Коинот гултожи инсондир азал,
Унадир энг олий тафаккур амал.
У ҳатто тубанлик ичра ҳам танҳо,
Ё, фалак, ижодинг бунча муммалам.**

Абдулла ОРИПОВ

Баъзида инсон ўзи яшётган мухит, бошидан ўтказган воеа-ҳодисалар оқибатида шундай ҳолатга тушадики, яқинлари, кариндошлари ёки ҳамкасларидан хеч бири ёрдам бера олмайди.

Мутахассис, психологга мурожаат қилиш ҳозир танқид қилинадиган нарса эмас. Аксинча, психологларнинг роли ҳозир кун сайнин ижобий томонга ривожланни бормодка. Нифақат ижтимоий муаммолар соҳасида, балки давлат аҳамиятига молик даражаларда ҳам малакали мутахассисларга эҳтиёж ортиб боромода.

Психология фанининг кенг кўлланила бошлиши инсон омилини ҳар қачонгидан юқори савияга қўтиради, унинг кучи, идроки, салоҳияти, руҳий ҳамда маънавий баркамолигини бевосита тараққиёт, ривожланиш ва цивилизация билан узвий боғлади.

XXI асрнинг ўзига хос руҳияти бор. Ривожланган дунёда психологлар 300 дан ортик йўналишида иш олиб боряпти. Ўзбекистонда ҳам кўплаб соҳаларга психологик хизматлар кириб келди. Мактабгача таълимидан бошлаб олий таълимгача психологлар фаолият олиб боради. Тиббиёт муассасалари, мудофа, ички ишлар, прокуратура соҳаларида психологик хизматлар йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда бугунги кунда психология йўналишида маслаҳат бериш, онлайн ва

офлайн форматда семинарлар ўтказиш орқали хусусий тартибда психологик ёрдам кўрсатиш фаолияти кенг тарқалмоқда.

Бирор, ушбу ихтиёмий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари аниқ белгиланмаган. Масалан, хусусий тартибда психологик ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга нисбатан талаб белгиланмагани, психолог ёрдам кўрсатиш сифати ва мазмунига ҳамда сизхонанинг хулқ-атворига нисбатан талаблар назарда тутилмагани, психологик фаолият билан шуғулланиш соҳасини бошқариш ва назорат килиш тартиби мажбӯд эмаслиги, малакага эга бўлмаган шахсларнинг инсонлар оғигига турлича таъсир ўтказиши оқибатида салбий ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Айниқса, ихтиёмий тармоклар орқали кўпинча аёлларга руҳий таъсир ўтказиш оммалашбанд бормодка ва бу ҳолат бавзи ҳолларда оила мустаҳкамлигини емироқда. Биз шарқ маданиятида тарбия топган ҳаљ сифатида жамият барқарорлигига хавф солувчи таъсирилардан ахолини, айниқса, ёшларни химоя килишимиз шарт.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гурӯҳи депутатлари томонидан "Ахолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, психология йўналишидаги маслаҳат, ўкув-тренинг курслари, семинарлар инсоннинг руҳияти, соғлиғи, характери, оиласи муносабатларига таъсир ўтказа олиши сабаби ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахслардан билим-малака ва тажриба талаб қилиниши, 2-3 ойлик ўқув курсларини тутагиб фаолият юритаётган "психологлар"

фаолиятига чек қўйилиши, хусусий тартибда фаолият олиб борувчи психологларда малака сертификати бўлиши кераклиги каби мезёлар белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси билан ахолига психологик ёрдам кўрсатишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибига солиши, жумладан, психологик ёрдам кўрсатиш борасидаги асосий тушунчаларнинг мазмунини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаш, психологик ёрдам кўрсатишнинг асосий қоидалари, стандартлари, тартибини жорий этиши, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, белуп психологик ёрдам кўрсатиладиган шахслар тоифаларини аниқлаштириш, психологик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги профессионал ўюшмалар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, таълим ташкилотларида психологик ёрдам кўрсатиш, қолаверса, ҳуқуқка эга бўлмаган шахс томонидан психологик ёрдам кўрсатганлик учун маъмурӣ жавобгарлик чораларини белгилаш назарда тутилмоқда.

Инсон қалбини гўзал қиласидиган, инсонийлик хис-туйулуарини ўйғотадиган нарса бу – маънавият. Маънавият, гарчи у барча одамларга хос бўлса-да, хеч ўзгармайдиган, доимий ўлчам, деб бўлмайди. Юксак маънавиятлик Ўзбекистон ҳалқи интилаётган устувор максадлардан биридир. Эзгу максадимиз йўлида тўсик бўладиган ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиши, инсонларга зарар етказадиган ҳаракатларни қонун йўли билан чеклаш демократик жамият асосларидандир.

**Мақсада ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзҲДП фракцияси аъзоси**

Маъмурӣ чоралар ва уларнинг ҳуқуқбузарликларга мутаносиблиги таҳлили:

МУАММО ВА ТАКЛИФЛАР

**Стратегик ислоҳотлар агентлиги томонидан
маъмурӣ чоралар ва уларнинг содир этилган
ҳуқуқбузарлика мутаносиблиги ўрганилди.
Бугунги кунда маъмурӣ жарималар миқдорини
белгилаш механизмларининг йўқлиги содир
етилган ҳуқуқбузарлика номутаносиб бўлган
жарима солинишига сабаб бўлмоқда. Ушбу
йўналиш тартибига солинмаганлиги боис
манфаатдор давлат органлари томонидан
жарималар миқдорини қайта кўриб чиқишига
доир қонун лойиҳаларини ташаббускорлик билан
ишлаб чиқиш ҳолатлари кўпайиб кетди.**

Масалан, автомобиль ойналарини руҳсатномасиз қорайтирганлик учун назарда тутилган 8,5 млн сўмлик жарима белгиланганда, руҳсатноманинг нархи 11-13 млн сўм бўлган. Бугунги кунда руҳсатнома 2,7 млн сўм этиб белгиланган, аммо жарима миқдори эса ўзгаришсиз қолмоқда.

Қозогистонда автомобиль ойнасини қорайтирганлик учун ўрнатилган жарима 468 минг сўмни, Россияда – 60 минг сўмни, Беларусда – 138 минг сўмни ташкил қиласди.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг соглиги ва ҳаёти хавфсизлиги билан боғлиқ қоидабузарликлар автомобил ойналарини руҳсатномасиз қорайтириш учун белгиланган жарималардан устуворлик жиҳатидан мухимроқ ҳисобланади.

Шунингдек, кейинги йилларда йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиши қоидаларини бузиш оқибатида содир бўлган йўл-транспорт ходисалари, шу жумладан, инсон ўлимига олиб келадиган ЙТҲлар сони кўйлайиб бормоқда (2023 йилда 9839 та йўл-транспорт ходисаси содир бўлган, шулардан 9209 тасида фуқаролар жабр кўрган бўлиб, 2282 таси олам ўлимига сабаб бўлган).

Фуқароларнинг соглиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш максадида инсон ҳаёти ва соглиғига бевосита даҳлор бўлган ЙТҲлар учун белгиланган жарималарни қайта кўриб чиқиш ва оғирлаштириши зарур (пиёдалар йўлакларида транспорт воситаларида ҳаракатланиши (170 минг сўм), пиёдалар йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтиши (113 минг сўм).

Маъломот учун: Германияда пиёдидан ўтказиб юбормаганлик учун белгиланган жарима миқдори 1,1 млн сўм, Буюк Британияда – 1,6 млн сўм, Франциядা – 1,85 млн сўм, БААда – 1,7 млн сўмни ташкил этади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши максадида бир қатор мамлакатларда (Беларус, Латвия, Қозогистон, Россия, Германия, Италия) маъмурӣ жазонинг алоҳида турни сифатида "оѓохлантириш" институти жорий килинган. "Оѓохлантириш" жисмоний ва юридик шахсларнинг соғлиғи, ҳаёти ва мулкига, атроф-муҳитга зарар етказадиган ҳуқуқбузарликлар учун кўйланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (23-модда) мувофиқ маъмурӣ ҳуқуқбузарлика содир этганлик учун 7 турдаги маъмурӣ жазо кўйлланилиши мумкин. Бироқ маъмурӣ жазо турни сифатида "оѓохлантириш" кўйланилади.

Шу муносабат билан Стратегик ислоҳотлар агентлиги томонидан куйдаги таклифлар ишлаб чиқиди:

1) жорий маъмурӣ жарималар миқдорини уларнинг содир этилган ҳуқуқбузарлика мутаносиблиги текшири;

2) фуқароларнинг ҳаёти ва соглиғига билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар учун жарима миқдорини ошириш масаласини кўриб чиқиши;

3) Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормаларининг коррупцияга қарши комплекс экспертизасини ўтказиш;

4) Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексга маъмурӣ жазонинг алоҳида турни сифатида "оѓохлантириш" институтини киритиш.

asr.gov.uz

HAMKORIMIZ

СОҲАНИ РАҶАМЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

"Ўзсувлтаъминот" акциядорлик жамияти томонидан соҳани раҷамлаштириш ҳамда истеъмолчиларга янада қулалийк яратиш мақсадида амалга оширилаётган ишларга бағишиланган матбуот анжуманини ўтказилди.

Тадбирда истеъмолчилар учун такомиллаштирилган шахсий кабинет жорий этилиб, у орқали истеъмолчилар тўловлар ҳисоботини ойлар, йиллар кесимида кўриб бориши, шу ернинг ўзида тўловни амалга ошириши ва ҳисоблагичлар маълумотларини киритиб бориши мумкинлиги, соҳада коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида раҷамлаштирилган КРИ тизими йўлга кўйилгани билан боғлиқ маълумотларга алоҳида урғу берилди.

– Бугунги давр талабидан келиб чиқкан ҳолда соҳани раҷамлаштириш хисоб-китобларнинг шаффоғлигини таъминлашади, истеъмолчилар манфаатларини ҳар томонлама кафолатлашда, муҳими, муқобилий йўқ ресурс бўлган сувдан хўжасизларча фойдаланиши ва истроғарчиликларнинг олдини олиша айни муддаодир, – дейди "Ўзсувлтаъминот" АЖ бошқарув раиси ўринбосари Хуршид Раҳматуллаев. – Бу йўналишдаги ишларимиз изчил давом эттирилади. Жумладан, шу йил автоматаштирилган омбор тизими – EWM жорий этилади. Бунда корхонанинг операцион самарадорлиги ва шаффоғлигига эришиш учун бизнес тизимларини интеграциялаш ва оптималлаштириш, режалаштирилган

кўрикдан ўтказиш, жорий ва муммал таъмирлаш (РРО/РРР) жараёнларни раҷамлаштириш ҳамда омборлар ҳолати ҳақида тўлиқ ва ишончили мъалумотларни бир зумда олиш мумкин бўлади. Шунингдек, мулкни ҳисобга олиш ham автоматлаштирилади.

Бундан ташқари, "WaterData" ягона мъалумотлар базаси шакллантирилади. Унда ичимлик ва оюва сув иншоотлар паспорти, электрон сув ҳисоблагичлар мъалумотлари, ичимлик суви сифати кўрсаткичлари ҳамда пул тушуми тўғрисидаги мъалумотлар жой олади. Шу билан бирга, диспетчерлик хизматининг раҷамлаштирилиши маҳсус автотранспорт ва авария бригадалари учун маршрутларни оптималлаштириш, мурожаатларни, аварияларни мониторинг килиши, ноконуний уланишларни аниқлаш ҳамда омбор тизимларини интеграциялаш мумконин беради.

Тадбирда сув сифати ва хавфсизлиги мониторинг учун "WATER LAB" ахборот тизими

жорий этилиб, айни пайтда тестдан ўтказиляётгани таъкидланди. Авариялар бўйича буюрмаларни қабул қиласидиган ва ҳисобини юритадиган "Suv-dispatcher" диспетчерлик тизими ташкил этилиши айтиб ўтилди. Тадбир якунидаги мурожаатлари билан ишлаш, тўлов интизоми ва мадданиятини ошириш чора-тадбирлари ҳақида батафсил мъалумот берилди.

Тоштемир МУРОД.



JINOVAT VA JAZO



"ВИЗА ТАЙЁРЛАБ БЕРАМАН..."

Жамиятимизда сода феъллик, ишонувчалик, қолаверса, қонун талабларини билмаслиғи оқибатида фирибаглар домига тушиб қолаётган жабдийдадар сони из мас. Бундай дейишишимизга асос бор. Чунки сўнгги йиллардаги таҳлиллар фуқароларимиз ўртасида фирибагларлик билан кўрсатишни аниқлаштириш, қолаверса, ҳуқуқка эга бўлмаган шахс томонидан психология ёрдам кўрсатганлик учун маъмурӣ жавобгарлик чораларини белгилаш назарда тутилмоқда.

Яқинда айнан фирибагларлик билан бори оғизлинига қўйиб ўтилди.

Тошкент шахрида яшовчи, мукаддам судланган X.К. Яккасарой тумани Миробод кўчасида жойлашган хусусий корхона офисида фуқаро А.П.га Канада давлатига ҳар бир кишига 400 АҚШ доллари турнизм визасини тайёрлаб беришини айтиб, унга ўзининг "холис" хизматини тақлиф килиди. Канадага кетиш орзусидаги А.П.дан охир-оқибат айтилган миқдордаги пулни олади ва шахсий эҳтиёж



ИНСОНЛАРНИНГ ФЕЛЬ-КЎЙИ, РАНГ-РЎЙИ БИР-БИРИНИ ТАҚРОРЛАМАГАНИ КАБИ ТАҚДИРЛАР ҲАМ ТУРФА ХИЛДИР. СУРХОН ВОҲАСИННИГ ДЕНОВ ТУМАНИ "ТОТУВЛИК" МАҲАЛЛАСИДА ЯШОВЧИ РОҲИЛА ХОЛМИРЗАЕВА ҲАЁТ СҮҚМОҚЛАРИДА КЎП КИЙИНЧИЛКЛАРНИ БОШДАН ЎТКАЗАЁТГАН БЎЛСА-ДА, ЎЗ ТАҚДИРИДАН ҲЕЧ НОЛИМАЙДИ. ЯХШИ КУНЛАРГА УМИД ҚИЛАДИ, ИРОДАСИНИ БУКМАЙДИ, ФУРУР ВА МАТОНАТИ БАЛАНД ТУТАДИ.

- Ҳамма кизлар каби мен ҳам 2017 йили бир олам орзу-хавас билан келинлик остонасига қадам кўйдим, - дейди Роҳила. - Тұрмуш ўтргим ғанишер Тиллаев билан иккى ўғилнинг ота-онаси бўлдик. Аммо аста-секин ҳаётимиз дар кета бошлади. Қайнотам ва қайнонамнинг сабабсиз аралашувлари кўпайди. Шундан кейин турмуш ўтргим билан aloҳида яшашга карор қилдик. Уч хонали ўй-кўяга пойдевор ташланди. Курилиш маҳсулотлари сотиб олиш ва бошқа сарф-ҳаражатларга ўзимнинг ота-онаим карашди.

Афсуски, 2019 йилда бошимизга яна бир синов келди – фарзандларимнинг отаси жигар хасталигига чалинди. Шундан кейин қайнота-қайнонамлар билан зиддият янада кучайди. Ахрий уйдан ҳайдадлик. Ҳали ўз уйимиз битмаганди. Қаерда ва қандай яшашни, бошимизни қай деворга уришини билмай қодиди.

Қаҳрамонимиз хаста эри ва болалари билан беш йилда уч-тўртта бошнагана кўшиб ўтади. Кўч-кўрон билан ўйисиз қолиши нечоғлик машакқат эканини буни бошдан кечиргандар яхши билади.

- Ҳўжайнин билан бозорда ишлай бошладик. - дея давом этади Роҳила. - У киши арава судраган бўлса, мен қайнатилган маккаҳӯҳори сотардим. Ҳаётимиз аста-секин бўлса ҳам ўнглана бошлади. Фарзандларни бўғчага жойлаштиридик. Аммо шундай кунларнинг бирида тұрмуш ўтргимнинг ахво-

ли оғирлашиб, тўшакка михланиб қолди. Рўзгор тебратиш, дори-дармон, ижара ҳақи, коммунал тўлов ва бошқа сарф-ҳаражатлар ўзимга қолди. Тонг саҳардан шом коронгусигача ишлайдиган бўлдиди.

Кексаларимиз айтганидек, аслида турмуш – мушт экан. Амал-таддии килиб кун кечираётган вактимизда, явни 2022 йилнинг октабрида фарзандларимнинг отаси оламдан кўз юмди. Бир ташвиш ўнта бўлди. Йизтиробларин ортди. Тўғриси, йўлумини ўйқотиб кўйгандим ўшанда. Нима қилиш ва қандай йўл тутишини билмасдим. Яхшики, ака-ука ва опа-сингилларим ёрдам кўлини чўзди. Олижаноб одамлариниң кўллаб-куватлагани мени яшашга унади...

Энди гапни Роҳиланинг отаси Раҳматулло Эшқобиловдан ёштайлик.

- Ота-она учун фарзандларининг баҳту камоли ҳамма нарсадан мухим, – дейди Р. Эшқобилов. – Онаси билан бешта болани вояж етказдик. Уларнинг учтаси ўйли-жойли. Тақдир экан, Роҳиланинг турмуш ўшшамади. Ойда ўч-тўрт марта набираларимни кўрганин келаман. Ота сифатида кизимга таянч ва суюнч бўлиб, ўзимизга кўчириб кетмоқчи эдик. Аммо ўзимиз ҳам ёрдамга муҳтоҳ бўйли турбизиди.

Тұман марказидан 35 километр олисда жойлашган «Дашти-чинор» маҳалласида яшаймиз, денг. Ихтимоий ахволимиз оғир. Тўрт хонали ўйда тўрт ҳўжалик яшаймиз. Шунча қийинчлик камлик килгандек, 28 июня кунин қишлоғимизга сел келди. Ертўя, ошхона ва молҳоналарга лойка сув босди. Чор тарафни беҳисоб тош ва улкан ҳарсанг

Изтироб ичидағи АЁЛ

коплаган. Икки ҳафтадан бўён на масъуллардан дарё бор, на техника иборишади.

Айтгандай, Роҳила фарзандлари билан айни пайтда "Тотувлик"да фуқаро Сирожиддин Қобиловга тегиши ўйда вактинча яшаб турибди.

- Мана шу ўйга ўтган йилнинг қиши ойларида кўчиб ўтгандик, – деди бизга ўзланиб Роҳила. – Ўй эгаси қалби пок, саҳовати инсон экан, ихара ҳаки ҳам олганни йўқ. Мана шундай бағрикенг одамлар кўпайсин, дейман.

Роҳиланинг ўтган оғир йиллар бадалида маҳалла фуқаролар йигини ёки туман ҳокимлигидан ёрдам сўраган-сўрагатани билан қизиқамиш.

- Каминг бўйса-да, фаминг бўлмасин, дейдилар. Эҳ-хе, мурожаат килишдан армон колмаган. Ўн марта якин "Тотувлик" маҳалласи ва туман ҳокимлиги масъулларига учрашгандирман-ов... Уларнинг отанга бор, онанга бор, кабилида иш тутишидан аллакачон ҳафсалам пир бўлган.

Суриштирув жарёнида туман ҳокимлиги мутасадиларига кўнигирик қилдик. Ярим соат ўттар-ўт мас бир гурух масъуллар етиб келишиди.

- Синглимиз билан икки йил олдин кўришганимиз, – деди Денов туман ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўйими бошлиги Ниғора Лутфиллаева. – Адашмасам, ўй-жой масаласида боргандингиз-а?

- Ҳа, қабулингизда бўлганман, – Роҳила Холмирзева йиманиб-гина жавоб берди. – Аммо масала ҳанузгача ечим топгани йўқ. Қайнатота бизга тегиши худудни тасарруфимизга ўтказгани йўқ.

...Ҳоким ўринбосари адлия бўйими масъбули билан бир фурсат гаплашган киши бўлди ва поенида судга мурожаат қилиш зарурлиги хусусида ҳуқуқий маслаҳат берди.

- 2022 йилда ҳам шундай дегандингиз, опа, – деди норози оҳонга Роҳила. – Буни ўзим ҳам

яхши биламан. Минг машакқат чекмай, у ерда яшаб бўйласигини ўзинги тушуниб турибиз. Иккинчидан, сарсон-саргардонлик ва тўловларчи... Бундан кўра иш топиш ва ўй-жой масаласида кўмаклашасаларингиз дегандим...

- Бир ҳафта ичида бандлигингиз таъминланади, – дея ваъда берди ҳоким ўринбосари Н. Лутфиллаева. – Бугун-эртага сизга 1 миллион 300 минг сўм моддий ёрдам ахратилади. Тегиши мезон ва талаблардан келиб чиқсан ҳолда ўй-жой билан таъминлаш чора-тадбирлари белгиланади.

Масъулнинг кулокка ёқар вазъалари ҳаётӣ тасдигини топадими ёҳуд курку гаплигича коладими, бу энди бирозигина вакт ҳукмига ҳавола. Аммо айни шу онларда ёнимиздаги муштипар аёл неча йиллик изтиробларни бироз унтугандек кўринди. Кўзларида умид балкиди.

Ишклиб, ҳаёт қийинчилкларига қарши мардонавор турган синглимизнинг муаммоси қандай якун топганини билиш учун "Тотувлик"ка яна келганимизда, бу кўзларда миннатдорликни, роziлини кўрайлик, деб ортга қайтдик.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" мубхари.**



"БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ": 250 ДАН ОРТИҚ ТАШАББУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН



Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБнинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида "Гармони ижроси доирасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Мазкур стратегиянинг банклар фаолиятидаги аҳамияти, бу борада илгари су-

рилаётган ташабbusлар ва истиқболдаги кутилмалар ҳақида ахборот берилди.

- Банкимиз тизимида айни ҳужжатга мувофиқ равишда трансформация жараёнлари фаол кечмоқда, – деди "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ Стратегия бош директори Бахтиёржон Раҳматов. – Шу билан бирга KPMG халқаро компанияси билан ҳамкор-

лидаги банкнинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2026 йилгача банк активлари 2,3 баробарга оширилиб, буғунги 27 трилион сўмдан 62 трилион сўмга, капитал бўйича 3,2 трилион сўмдан 7,1 трилион сўмга етказилиши кўзда тутилоқда.

Мижозларга энг қулай ҳамда фойдали шартларда маҳсулотларнинг тақдим этилиши натижасида банкнинг кредит портфели 2,1 баробарга, депозитлар ҳажми 2,3 баробарга оширилади.

Кичиг бизнес вакиллари бўлган мижозлар сонини 115 мингтагача ошириб, бозорнинг 17,7 фоизини ҳамда чакарни бизнес мижозлари сонини 2,5 млн тагача ошириб, бозорнинг 16,7 фоизини ёгаллаш белгилаб олинган.

Мижозларнинг 75 фоизини онлайнга ўтказиб, уларни фаол мобил илова ва интернет-банкинг фойдаланувчиларига айлантириш режалаштирилган.

Анжуманда банкни 2024-2026 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясида кўзда тутилган мақсадларга

эришиш учун 250 дан ортиқ ташабbusлар ишлаб чиқилгани маълум қилинди. Бунда 27 та ташабbus ахборот технологияларини, 48 таси инсон капиталини ҳамда 83 таси бизнесни ривожлантиришга қаратилган. 39 та ташабbus кичик бизнес ўйналишида, 44 таси эса чакана бизнес ўйналишида амалга оширилади.

Матбуот анжуманда қайд этилишича, стратегияни ишлаб чиқишида банк учун бизнес йўналишида хизматларнинг соддалиги, оммаболлиги ва тезкорлиги мўҳим мезон этиб белгиланди.

"Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ келгусида янги иш ўринлари яратиш, ахоли даромадларини ошириш ва экспортни таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этади. Шунингдек, замонавий банк хизматларини тақдим килиш орқали молия бозоридаги мақеини мустаҳкамлашга интилади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мубхари.**



MUASSIS:



O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'iqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўйими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon Ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yhatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 737. 3328 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — Topshirilgan vaqt —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxa